

№ 1
**Смета ҳужжатларини
тайёрлаш ҳақида пудрат шартномаси**

2022 йил «22» 11

Тошкент шаҳри

Келгуси ўринларда «**Буюртмачи**» деб юритиладиган ва ҳаракатдаги Низом асосида фаолият кўрсатадиган Бўз-сув ЧТБ унинг раҳбари Р. Разилов бир томондан, ҳамда келгуси ўринларда «**Пудратчи**» деб юритилади ва Низом асосида фаолият кўрсатадиган "DINO PROJEKT MCHJ" ва унинг раҳбари О. Абдурашидова иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. Шартноманинг мазмуни

1.1 «**Пудратчи**» Тошкент вилояти Заңгиота ва Янгийўл тумади жойлашган қуйдаги;

- Дамаши канали ПК43+00 да жойлашган сув тўсувчи иншоотининг 6x2.5x0,3 ўлчамдаги щитни алмаштириш.
- Юқори Тошкент канлининг ПК194+72 да жойлашган 1 дона сув олиш ва 2 дона сув тўсувчи иншоот ўрнатиш.
- Шимолий Тошкент канали ПК252+00 дан ПК306+65 гача ҳамда Юқори Тошкент канлининг ПК00+00 дан ПК64+40 гача механизм ёрдамида тозалаш
- Из-за канали ПК 82+47 да жойлаш шаршаранинг дамбасини мустахкамлаш.
- Жун-2 канлининг ПК319+88 да жойлашган сув тўсувчи иншоотни таъмирлаш.

объектини смета ҳужжатларини тайёрлашни мажбуриятини, «**Буюртмачи**» эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар ҳаққини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2 «**Пудратчи**» «**Буюртмачи**» томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АПЗ), лойиҳалаш топшириқларида кўрсатиб ўтилган ишларни «Корхона, бино ва иншоотлар қурилишига лойиҳа – смета ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш тартиби ва тасдиқлаш» ҳақидаги ШНК1.03 01-03 қоида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3 Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошқа талаблар ишларини бажариш учун техник топшириқларда назарда тутилади.

1.4 «**Пудратчи**» томонидан бажариладиган ишларнинг муддати томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиҳа ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомаси билан белгиланган

1.5 «**Пудратчи**» «**Буюртмачи**»нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган махсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш «**Пудратчи**» зиммасига юклатилади.

1.6 Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7 Ишларни молиялаштириш ҳисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

2. Томонларнинг мажбуриятлари

2.1 «**Пудратчи**»нинг мажбуриятлари:

- «**Пудратчи**» «**Буюртмачи**» томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;
- «**Буюртмачи**» билан бажариладиган ишларни (босқичлари) нинг натижаларини келишиш;
- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган ҳолларда «**Буюртмачи**»га ахборот жўнатиш

2.2 «**Пудратчи**» мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга ҳақли эмас.

2.3 “Буюртмачи”нинг мажбурияти:

- Мазкур шартномада кўзда тутилган миқдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;
- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;
- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар) нинг натижаларини келишиш;
- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

Шартнома бўйича ишларнинг нархи

3.1 3.1 Лойиха қиймати 13 641 600,0 (ўн уч миллион олти юз қирк бир минг олти юз) сумни ташкил этади ва бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган эркин танловларнинг баённомасида белгиланган муддатларда қурилиш-монтаж ишлари билан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқилладиган ЛСХ белгиланган тартибда экспертиза кўригидан ўтказилгандан сўнг лойиха ишлари якуний қийматига аниқлик киритилади.

3.2 Бундан “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га шартнома дастлабки қийматининг 30 % миқдори 4 092 480 (тўрт миллион тўқсон икки минг тўрт юз саксон) сўмни 70% тўлов 9 549 120 (тўққиз миллион беш юз қирк тўққиз минг бир юз йигирма) сўмни ташкил қилади.

3.3 “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳақидаги далолатномаларни қабул қилиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби

4.1 Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2 “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқда аниқланади.

4.3 “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова қилиб 3 та нусхада ҳужжатлар тупламини тақдим этади.

4.4 “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисобот ҳужжатларини 10 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътироз билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5 Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгилловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6 Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнида бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мажбуриятлар юкланади.

4.7 Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1 “Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечиктирилган муддатга узайтирилади.

5.2 “Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб–китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳақ тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳақозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулайди.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4 “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишда олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % ҳажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

5.5 Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуқсонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5.Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун ҳисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6.Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8 Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари қўлланилади.

5.9 Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тўртишга ҳақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайтаришни талаб қилишга ҳақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар ҳақидаги далолатнома тузилган вақтдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10 Агар пудратчи лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиҳа-смета ҳужжатларида камчилик ва нуқсонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11 Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс - мажор)

6.1 Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

6.2 Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

6.3 “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вақтида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс-мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

7. Қўшимча шартлар

7.1 “Буюртмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган объектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2 Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунига, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3 Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини 3 банк куни ичида хабардор қилишлари шарт.

8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1 Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошқармасидан руйхатдан утганидан кейин кучга киради ва унинг шартлари тўлиқ бажариб бўлгунча ҳақиқий ҳисобланади.



8.2 Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буюртмачига, пудратчига берилади.


8.3 Шартнома 2022 йил 31 декабрга қадар ўз кучида бўлади.

9. Низоларни ҳал этиш тартиби

9.1 Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Андижон туманлараро иқтисодий суди томонидан ёки томонларнинг келишувига биноан ҳакамлар суди томонидан кўриб чиқилади.

10. Томонларнинг реквизитлари

БУЮРТМАЧИ	ПУДРАТЧИ
Ташкилот номи: Буз сув Ирригация тизими бошқармаси	«DINO ПРОЕКТ» МСЧУ
Манзил: Тошкентт шаҳри Шойхонтохур тумани Архетекторлар кучаси 1 а уй	Тошкент вилояти Бўка тумани Ўзбекистон 7
Телефон: 71 241-89-88	90 125-97-86
Факс: 71 241-89-88	
СТИР коди: 200935800	306592193
ОКЭД: 011613	71200
Х/Р: 100021860272777042402170001	20203001505103347001
Банк: ЎР Миллий банк ТИФ амалиёт бошқармаси	Тошкент шаҳ. Дриект финанс' қўғ банк
МФО: 00014	01071
ЎзР.Молия Вазирлиги Газначилиги	
Х/Р: 23402000300100001010	
Рахбар (директор):  Р.Фазилов	Рахбар 



90-125-97-86

Бош юрисконсулт:



У.Рахимов



**Бўз-сув ирригация тизими
бошқармаси бошлиғи
Р.Фазилов**

Бўз-сув ирригация тизими бошқармасида Сув танқислигини олиш мақсадида бошқарма балансидаги канал ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари учун лойиха смета ҳужжатларини қилиш бўйича лойиха-смета ташкилотлари ўртасида ўтказилган танлов бўйича йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳар

22.11.2022 йил

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли қонунига мувофиқ ва Бўз-сув ирригация тизими бошқармасининг 2022 йил 2 ноябрдаги №32^а-сонли буйруғи асосида тайинланган харид комиссия таркиби:

Йиғилиш раиси: Р.Ю.Фазилов

Давлат харидлари буйича комиссия аъзолари:

1. Ш.Б.Ташкараев
2. Ж.М.Мамаджанов
3. И.А.Саттарова
4. А.Б.Юсупов

Йиғилиш котиби – Н.А.Иргашева

Давлат Харидлари буйича комиссия йиғилиши ўтказилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Сув танқислигини олиш мақсадида бошқарма балансидаги канал ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари учун лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш
2. Давлат харид бўйича комиссиянинг 2022 йил 17 ноябрдаги 186681-сонли электрон баённомасини муҳокама қилиш тўғрисида.

Кўрилган масала: Комиссия раиси сўзга чиқиб, раҳбарият томонидан 09.11-17.11.2022 йилда 22110012186681-сонли лот билан Ўзбекистон хом-ашё биржасининг электрон порталига Бўз-сув ирригация тизими бошқармасида Сув танқислигини олиш мақсадида бошқарма балансидаги канал ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари учун лойиха смета ҳужжатларини қилиш бўйича эълон жойлаштирилганлигини ва эълон муддати тугагандан сўнг комиссия аъзолари томонидан электрон баённома расмийлаштирилиб “DINO ПРОЕКТ” МЧЖ ғолиб деб аниқланганлиги айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуннинг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қун давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги таъкидлаб ўтилди ва комиссия аъзолари томонидан

ҚАРОП ҚИЛИНДИ:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 17 ноябрдаги электрон баённомасига асосан ғолиб “DINO ПРОЕКТ” МЧЖ билан Бўз-сув ирригация тизими бошқармасида Сув танқислигини олиш мақсадида бошқарма балансидаги канал ва гидротехник иншоотларни таъмирлаш-тиклаш ишлари учун лойиха смета ҳужжатлари учун қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Давлат харидлари буйича комиссия аъзолари:

1. Р.Ю.Фазилов
2. Ш.Б.Ташкараев
3. Ж.М.Мамаджанов
4. И.А.Саттарова
5. А.Б.Юсупов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"DINO PROEKT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"DINO PROEKT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

20.07.2019

745232

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

306592193

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat


Joylashgan joyi:



Toshkent viloyati, Bo`ka tumani, Bo`ka, O`zbekiston kocho,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Bo`ka tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):





Ўзбекистон Республикаси Қурилиш
Вазирлиги

№ 9310-835d-6622-а54и-5310-7153-5170
Ҳужжат яратилган сана 2019-08-28

Ҳужжат берилган: ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ
ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "DINO PROEKT"
Қабул қилувчининг идентификация рақами - 306592193

**Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун
ЛИЦЕНЗИЯ**

ОБЩЕСТВО С ОГРАНИЧЕННОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ "DINO PROEKT" га объектларнинг мураккаблик тасифалари классификатори бўйича II тоифадаги объектлар учун қуйидаги: Тулик комплекда лойиҳалаш бўйича фаолият турлари А гуруҳи - Уй жой-ҳужалиқ қурилиши учун объектлар ва комплекслар лойиҳа смета ҳужжатларини яратиш, шу жумладан уларнинг муҳандислик тармоқлари ва тизимларини лойиҳалаштириш, Архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларининг айрим бўлимларини ишлаб чиқиш бўйича фаолият турлари Б гуруҳи - Қурилиш объектларини мукамал ва жорий таъмирлаш учун лойиҳа смета ҳужжатлари, фаолият турлари билан шуғулланишга лицензия берилди.

Лицензия берилган сана: 28-08-2019 йил

Лицензия рақами: АЛ-000175

Солиқ тўловчининг идентификация рақами (СТИР): 306592193

Юридик шахснинг почта манзили: БУКА, О'ЗБЕКИСТОН ҚОСНА

Лицензия амал қилиш муддати чекланмаган.

ИНОЯТОВ МИРАББОС МИРКОМИЛОВИЧ

Маълум ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интернетда давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомига мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида курсатишган маълумотлар тўғрисидаги тақшириш учун ero.gov.uz веб-сайтига унинг ва электрон ҳужжатнинг my.gov.uz веб-сайтига аниқ мобил телефон ордамида QR-коддан сканер қилиш билан Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар қонуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рақамли алоқалар каттавий тақдирланган.

5465

